

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР МАХАМАДЖАНОВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора педагогики (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдуллаева Нилуфар Махамаджановна

Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган
технологиядан фойдаланиш 3

Абдуллаева Нилуфар Махамаджановна

Использование интегрированной технологии в повышении
эффективности начального образования 27

Abdullaeva Nilufar Makhamadjanovna

Using integrated technology to improve the effectiveness of primary
education 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР МАХАМАДЖАНОВНА

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ИНТЕГРАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped.589 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шоҳида Жалолиддиновна,
педагогика фанлари доктори, доцент.

Абдурахмонова Барнохон Мухамаджоновна,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “12” 08 соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44; факс: (998) 69-227-01-44; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).



Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи


Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор



К.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент



Т.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимнинг халқаро стандарт таснифида бошланғич таълим узлуксиз таълимнинг энг муҳим тури сифатида алоҳида қайд этиб ўтилган. Мазкур стандартда бошланғич таълим жараёнларини ташкил этишнинг асосий мезонлари сифатида ўқувчиларнинг ўқиш, ёзиш, математикага доир асосий кўникмаларни ўзлаштириш, билимларнинг асосий соҳаларини ўрганиш ва тушунишга имкон бериши, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш кабилар белгилаб берилган. Бу эса бошланғич таълим жараёнларини интегратив ташкил этиш, интеграцион таълим технологияларини такомиллаштириш, концентранган ва модулли таълим талаблари асосида ўқитиш мазмуни ва методикасини аниқлаштиришни тақозо этади. Халқаро стандартга мувофиқ, бошланғич таълимнинг асосан бир нафар ўқитувчи томонидан амалга оширилиши ҳам педагогларнинг интеграцион ўқитиш тизимини жорий этиш заруратини юзага келтиради.

Дунё миқёсида бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини оширишда интегратив педагогикадан фойдаланиш, ўқитиш жараёнларининг интеграциялашувига комплекс ёндашувни татбиқ этишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, мавзулар, фанлар ва трансфанлараро интеграцияни қўллаш асосида бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш, концентризм тамойили асосида ўқув материалларини тизимлаштиришнинг модуллашган интеграциясини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараёнда таълим моделини танлаш, мулоқот турларини аниқлаштириш, ахборот ва бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, таълим берувчилар фаолиятини режалаштириш, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини оқилона танлашга асосланган интеграцион дарсларни лойиҳалаш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда таълим-тарбия сифати, хусусан бошланғич таълим самарадорлигини ошириш, рақобатбардош бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, бошланғич таълимнинг интеграцион ўқув-услугий таъминотини мустаҳкамлашга доир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, интеграллашган таълим технологияларини қўллашнинг методик механизмларини аниқлаштириш, интеграцион машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга алоҳида зарурат мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграллашган ўқитиш технологияларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

фойдаланиш мазмуни, дидактик ва методик талабларни, ташкилий фаолият шакллари аниқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада фанлараро алоқадорлик ва интеграцион ўқитиш жараёнларини ташкил этиш масалалари бўйича Р.Мавлонова, Р.Сафарова, Э.Турдиқулов, М.Мирқосимова, А.Мусурмонов, П.Мусаев, А.Ч.Чориев, Х.А.Абдурахмонова, Р.Бурхонов, Т.Нуриддинов, Т.Даянаева, А.Саломов, Я.Ҳайдаров, Б.Ҳусанов, М.Аширова, Ш.Юсупова каби олимлар илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишган. Мазкур тадқиқотларда фанлараро алоқадорликнинг турли йўналишлари ва тамойиллари, уларнинг ўқув жараёнида муайян фанларни ўзлаштиришда қўлланилиши, ўқув фанлараро алоқадорлик асосида таълим мазмунига қўйилган талаблар илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) олимларидан А.Усманова, Н.Грищенко, Т.Чижова, Т.Жукова, Н.Панкова, Н.Богоявленский, М.Львов, Т.Рамзаева, С.Юртаев, Н.Алгазина, Н.Перцеваларнинг тадқиқот ишларида бошланғич синф она (рус) тили дарслари самарадорлигини ошириш, грамматик тушунчаларни англаш ва ўзлаштиришда ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш масалалари ўрганилган.

Хорижий олимлардан J.Gilbert, F.Cochran, J.DeRuiter, R.E.Maeder, J.W.Gray, M.L.Dejong, M.Trott, R.J.Gaylordларнинг ишларида интегрatív таълим технологияларини қўллашнинг афзалликлари ва имкониятлари ёритиб берилган. Мазкур илмий изланишларда педагог кадрларни тайёрлашнинг турли жиҳатлари, яъни инновацион ва педагогик фаолиятга тайёрлаш, таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, интегрatív муҳитни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунга қадар бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган технологиядан фойдаланиш борасида бир қатор илмий тадқиқот ишлари яратилган, хусусан Р.Мавлонова ва Н.Рахмонқуловлар шу йўналиш ривожига катта ҳисса қўшган, лекин бошланғич таълимга интеграцион ёндашув муаммоси ва синфдан ташқари ўқиш дарслари мазмунини интеграциялаш асосида такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ қилинмаган.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг Бошланғич таълим методикаси кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитишда инновация, интеграция ва янги технологиялар” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади бошланғич таълим жараёнида интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг методик шарт-шароитларини аниқлаштириш ҳамда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич таълим самарадорлигини оширишга доир интеграциялашган технологиянинг дидактик хусусиятларини очиқ бериш;

интеграциялашган ўқитиш орқали бошланғич таълим самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;

бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш жараёнларини ташкил этишнинг дидактик моделини такомиллаштириш;

синфдан ташқари ўқиш дарсларида интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг методик шартларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган ўқитиш технологияларидан фойдаланиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Наманган, Андижон ва Жиззах вилоятларининг 339 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган технологиядан фойдаланиш мазмуни ва методик шарт-шароитларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи муаммога доир фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар қиёсий таҳлил қилинди. ДТС, ўқув дастурлари, дарслик ва таълимга оид ҳужжатлар ўрганилди; социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома); педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим самарадорлигини оширишга доир интеграциялашган технологиянинг дидактик хусусиятлари (ўқувчи шахсига йўналганлик, ўқувбилиш фаолиятининг бошқариш, концентризм, ҳамкорлик, ижодкорлик) ўқувфани мавзуси, таянч тушунча ва билимлар, кўникма, малакалар

компетенцияларни таълим мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) билан ички интеграциясининг динамиклигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

интеграциялашган ўқитиш орқали бошланғич таълим самарадорлигини баҳолаш мезонлари (таянч тушунчаларни оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб бориш, муаммоли вазиятлар ва уйғунлашган усулларни қўллаш, манба бўйича ихчам, мукаммал маълумотлар мажмуасининг ифодаланиши) ўқиш, она тили, математика, табиатшунослик (атрофимиздаги олам) фанларининг вертикал ва горизонтал интеграциясини қўллаш асосида ўрганилган;

бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш жараёнларини ташкил этишга доир дидактик моделнинг методик компоненти ўқув ҳаракатлари изчиллигининг (тайёрлов, лойиҳалаш, амалга оширувчи, якуний) интеграллашган дарс тузилмаси (адаптив, амалий, умумлаштириш, рефлексия) билан қайта алоқаси интенсивлаш даражасига мувофиқ такомиллаштирилган;

синфдан ташқари ўқиш дарсларида интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг методик шартлари (узвийлик, босқичма-босқич амалга ошириш, яхлитлик, натижавийлик) 1-2-синфларда ўзлаштирилган содда тушунчалар, кўникма ва малакалар орқали 3-4-синфларда мужассам, яхлит ижодий тасаввурларни ривожлантириш имконини берувчи интеграцион харита аналогли лойиҳалаш асосида мукаммаллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бошланғич таълим самарадорлигини оширишнинг интегрatív хариталари мажмуи ишлаб чиқилган;

интеграциялашган дарсларнинг ташкилий тузилмаси аниқлаштирилган ва дарсдан ташқари ўқув машғулотлари ишлаб чиқилган;

интеграциялашган дарсларда қўлланиладиган технологиялардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

интеграциялашган таълим натижаларига эришишнинг мезонлари ва параметрлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги; амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлиги; танланган илмий тадқиқот метод, шакл ва воситаларининг мавзуга мослиги; олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили натижаларининг кўрсаткич даражаси юқорилиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида таққосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти интеграциялашган таълим технологиясининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштирилганлиги ҳамда дидактик моделининг ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқув дастурларининг интеграциялашган хариталарининг ишлаб чиқилганлиги, интеграциялашган ёндашув тамойилларининг тизимлаштирилганлиги,

интеграциялашган технологияларни қўллаш самарадорлигини аниқлаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, интеграциялашган машғулотларни ўтказишга қўйиладиган талабларнинг ишлаб чиқилганлиги, синфдан ташқари ўқиш дарсларини интеграциялаш воситасида таълим самарадорлигини ошириш имкониятларининг аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти интеграциялашган таълимни ташкил этиш босқичлари ва ҳаракатлар алгоритмининг аниқлаштирилганлиги, интеграциялашган ўқитиш жараёнида муаммоли, модулли, ҳамкорликда ишлаш ва рефлексив таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича дарс ишланмаларининг ишлаб чиқилганлиги, синфдан ташқари ўқиш дарсларида маърифий-дидактик аҳамиятга эга бўлган болалар адабиёти намуналарини ўқиб ўрганиш воситасида ўқувчилар нутқини такомиллаштириш, эстетик диди ва китобхонлик даражасини ўстиришга эришишга доир методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишда интеграциялашган технологиялардан фойдаланишга доир тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич таълим самарадорлигини оширишга доир интеграциялашган технологиянинг дидактик хусусиятларини аниқлаштириш, ўқув фани мавзуси, таянч тушунча ва билимлар, кўникма, малакалар компетенцияларни таълим мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) билан ички интеграциясининг динамиклигини таъминлашга доир таклифлардан бошланғич таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 27 июндаги 01/11-01/8-1466-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълимда компетенциявий ёндашувни жорий этишда интеграциялашган технологияларни қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

интеграциялашган ўқитиш орқали бошланғич таълим самарадорлигини баҳолаш мезонларини ўқиш, она тили, математика, табиат фанларининг вертикал ва горизонтал интеграциясини қўллаш асосида аниқлаштириш, бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитиш жараёнларини ташкил этишга доир дидактик моделнинг методик компонентини ўқув ҳаракатларининг изчиллигини интеграллашган дарс тузилмаси билан қайта алоқасини интенсивлаш даражасига мувофиқ такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0903160552. “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизми” (2015-2017 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 89-03-376-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълим жараёнларида интеграциянинг интенсивлигини таъминлашда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

синфдан ташқари ўқиш дарсларида интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг методик шартларини аниқлаштириш, 1-2-

синфларда ўзлаштирилган содда тушунчалар, кўникма ва малакалар орқали 3-4-синфларда мужассам, яхлит ижодий тасаввурларни ривожлантириш имконини берувчи интеграцион харитани аналогли лойиҳалаш асосида такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан А-5-37 рақамли “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 89-03-376-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич таълимда интеграциялашган технологияни қўлашда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 151 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бошланғич таълимда интегратив ёндашувнинг назарий асослари**” деб номланиб, икки фаслни ўз ичига олади. “Интеграциялашган таълим технологиясининг мақсад ва вазифалари ҳамда дидактик модели” деб номланувчи фаслда бугунги тарбияшунослик илмининг ўқувчи шахсига қаратилганлиги, унинг ўзига хос олами, руҳияти, бири иккинчисига ўхшамайдиган характер хусусиятларинигина эмас, жисмоний ҳолатини, генетик, ҳиссий, тафаккурий имкониятларини ҳам ҳисобга олишига эътибор қаратилган.

Олимлар қарашлари шуни англатадики, таълимни интеграциялашнинг асосий мақсади бошланғич синфларданок ўқувчиларда табиат ва жамият ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш ва уларнинг ривожланиш қонуниятларига

Ўқувчи муносабатини таркиб топтиришдан иборат. Ҳолбуки, бугунги кунда ДТС билан ўқув дастурлари ўртасида номувофиқлик вужудга келмоқда. Бошланғич таълим ДТС да “Она тили”, “Математика”, “Табиатшунослик” (“Атрофимиздаги олам”) таълим соҳалари кўрсатилган ҳолда амалдаги ўқув режасидан 10 та предмет жой олган. Бу ҳолат ўқувчига тақдим этилаётган билимларда майдалашиш ва мавзулар такрорини келтириб чиқармоқда. Қайтариқ ва такрорлар эса ўқувчини зериктиради, вақтдан унумли фойдаланишга монелик қилади. Мазкур камчиликлар ва бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ушбу фаслда 1-4 синф ўқув дастурларининг интеграциялашган харитаси тавсия қилинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

2-синф ўқув фанлари дастурининг интеграциялашган харитаси


№	Ўқиш	Одобнома	Муסיқа	Тасвирий санъат	Атрофимиздаги олам	Технология
1	Ватан	Боболардан мерос юрт	Кўшиқ айтиш коидалари. “Ватанжоним-ватаним”	Байроқча расмини ишлаш		
2	Бир кабутар	Жониворларга ғамхўрлик эзгу фазилат		Тўтиқуш расмини ишлаш	Қушлар	Табиий ва турли материаллардан қушлар шаклини ясаш
3	Қиш	Жониворларга ғамхўрлик эзгу фазилат	“Биринчи қор” Р.Толиб шеъри	“Қиш” мавзусида расм ишлаш	Қиш фасли	Қиш манзарасини аппликация усулида ясаш

Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билиш жараёнида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги қатор олимлар томонидан эътироф қилинмоқда: а) мавзуларни аввалгиси кейингисини тўлдиришга йўналтириш асосида кетма-кетликда тақдим этиш; б) ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни топиш ва мавзулараро уйғунликни таъминлаш; в) модуллашган интеграциядан фойдаланиб, турдош ўқув предметлари орқали ўзлаштириш кўзда тутилган билим ва тушунчаларни муайян тизимга солиш; г) мавзулараро интеграция (яъни моҳиятан яқин бўлган ўқув материалларини ўзаро уйғунлаштириб, кўзланган ягона мақсадга эришиш; зарур малака ва кўникмаларни таркиб топтириш) турли матнлар, машқлар, масалалардан фойдаланиб, “Математика”, “Она тили”, “Табиатшунослик” (“Атрофимиздаги олам”), “Ўқиш” дарслари мавзуларини уйғунлаштириш.

Дарҳақиқат, таълим интеграциясидан фойдаланиш натижасида педагогик, психологик жиҳатдан таълим мақсадларини амалга оширишда қулай шарт-шароит вужудга келади; умумдидактик талаблар узвийликда бажарилади; ўқувчининг вақти, кучи тежаллади; ортиқча руҳий ва жисмоний зўриқишларнинг олди олинади, таълим самарадорлиги ошади. Ўқувчилар зарур кўникма ва малакаларни, тушунчалар ҳамда билимларни ўқув

предметлари мазмунини уйғунлаштириш натижасида ҳар томонлама чуқур ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Мазкур фаслда интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг дидактик модели такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Интеграциялашган таълим технологиясини қўллашнинг дидактик модели

Ўқитиш жараёни мазмунини интеграциялаш – ўқувчи шахсини ривожлантириш ва ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтирилган олам ҳақидаги яхлит тушунчаларни шакллантириш мақсадида таълимнинг маълум тизими доирасида мазмуннинг тузилмавий компонентларини ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш жараёнидир.

Ўқув материални мазмунини интеграциялаш уч хил усулда амалга оширилади: мавзулараро интеграция, предметлараро интеграция, транспредметли интеграция.

Интеграциялашган дарслар марказида турувчи ўқув предмети мавзуси, таянч тушунча ва билимлар, таркиб топтириш кўзда тутилган билим, кўникма ҳамда малакалар, таълим мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ва интеграциялашган бошқа ўқув предмети; интеграциялаштирилаётган мавзу ва тушунчалар билан узвийлаштирилади. Масалан, “Атрофимиздаги олам” асосий интеграцион марказни ташкил этса, жараённи амалга ошириш қуйидаги кўринишга эга бўлади (2-расмга қаранг):



2-расм. Интеграцион марказни ҳосил қилиш алгоритми

Кўриниб турибдики, интеграцион дарс юқори самара беради ва ўқувчи тасавурида олам бир бутунликда намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчини мантиқий, изчил, атроф-олам ҳақида тўлалигича фикрлашга ўргатади.

Албатта, бундай дарсларни ўтиш ўқитувчидан юксак маҳоратни, бошқарувчанликни талаб этади. Интеграциялашган дарсларда ўқувчи жимгина, томошабин бўлиб ўтирмайди. У дарс жараёнида фаол ва изчил қатнашади (“Она тили”дан ўзлаштириш даражаси паст бўлиши мумкин, лекин “Тасвирий санъат”га бўлган қизиқиши баланд), ижодкорликка, фикрлашга ундалади. Бундай жараёнларнинг унумдор ва самарали кечишида ўқитувчи шахси, ижодкорлиги ва маҳоратининг аҳамияти беқиёсдир.

Мазкур бобнинг “Интеграциялашган ёндашув тамойиллари” номли иккинчи фаслида бошланғич таълим учун дарсликлар асосида мужассам билим ва тушунчаларнинг шакллантирилиши, дастур ва дарсликлар, методик қўлланмаларнинг бу борадаги имкониятлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, бошланғич таълимда интеграциялаш тамойиллари аниқлаштирилган: ўқувчиларга тизимли билим бериш; интеграциянинг дифференция билан узвийлиги; ўқитувчининг ўқувчи шахсига инсонпарварлик муносабати; таълим-тарбия жараёнининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; интеграциялашган таълимнинг ўқувчи шахсига қаратилганлиги; ўқувчиларни фаоллаштиришга ва комил инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; интеграциялашган таълим-тарбия жараёни ҳамкорлик педагогикасига асосланиши; интегрatív муаммоли дарсларда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш воситасида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ва ижодкорликка йўллаш.

Ушбу тамойиллар асосида интеграциялашган таълим технологиясини қўллаш ва натижаларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Интеграциялашган таълим технологиясини қўллаш ва натижаларни аниқлаш мезонлари

1.	Дарсларнинг мақсад ва вазифалари тўғри аниқланганлиги	Бошланғич синфларда ўқиш, она тили, математика, табиат ва бошқа ўқув фанлари мазмунига қўйилган умумий талабларга эътибор берилади.
2.	Дарс бўйича белгиланган мақсад ва вазифаларнинг танлаб олинган ўқитиш методларига мослиги аниқланади.	Бунда дарсларнинг мақсад ва вазифалари тўғри аниқланади.
3.	Таълим бериш жараёнида тарбиянинг ҳам амалга оширилиши кўзда тутилади.	Бунда таълим ва тарбия узвийлигига эътибор берилади.
4.	Мавзуни ёритишда маънавий-ахлоқий тарбияни ҳам мужассамлаштиришга эътибор бериш.	Бунда ҳар қандай фанни ўқитишда миллий-маънавий кадрятларни ўқувчилар онгига сингдиришга эътибор берилади.
5.	Дарсда интеграцион технологияни қўллаш жараёнида фойдаланиладиган метод ва воситаларнинг хилма-хил бўлишини таъминлаш ҳамда улар ичидан самаралисини танлаш.	Бунда ўрганилаётган фан (мавзу) мазмуни ва ўқитиш жараёнига мос интеграцион технологиялар тўпланади ва улар ичидан педагогик самарани қафолатловчиси танлаб олинади. Танлашда унинг ўрганилаётган фан (мавзу) ва таълим олувчиларга мослигига эътибор бериш керак.
6.	Таълим олувчиларни мустақил равишда билим олишига ўргатиш.	Бунда интеграциялашган технологиялар орқали ўқувчиларга мустақил билим олишга имкон берилади.
7.	Таълим жараёнига дунёвий билим асосларини татбиқ қила олиш.	Бошланғич синфларда фақат дарслик билан чекланмай, мавзуга оид бошқа маълумотларни ҳам қўшиб бериш болаларнинг дунёқарашини шакллантиришга имкон яратади.

Бошланғич таълим мазмуни давлат таълим стандартларида дидактик тамойилларга асосланиб ёритилган: таълимнинг индивидуаллик, яхлитлик, эстетик асосларнинг устуворлиги, ўқувчилар маънавий камолотини таъминлашда таълим ва тарбия узвийлиги; таълимда узвийлик ҳамда

узлуксизлик тамойили; ўқувчилар ёш хусусиятларини эътиборга олиш сингари тамойиллар бошланғич таълимнинг ўзига хослигини назарда тутади. Таълимнинг бу босқичида билимлар шакллантирилиши кўзда тутилган кўникма ва малакалар узвий боғлиқликда ва яхлитликда шакллантирилади. “Она тили”, “Ўқиш”, “Одобнома” ва бошқа ўқув предметлари орқали ҳам узвийликда таълим-тарбия бериш, яхлит тушунча, тасаввур, малаканинг пайдо бўлишига томон интилиш, “оддийдан мураккаб тушунчалар томон” бориш кузатилади. Ўқувчига тақдим этиладиган ҳар бир матн, бадиий асар ҳам нафосат тарбияси учун, ҳам муайян тушунча ва билимларни узвийликда шакллантиришга хизмат қилиши белгиланади. Барча дидактик тамойиллар яхлитликда интеграциялашган таълимнинг педагогик асослари бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Бошланғич таълимда интеграция жараёни амалиёти”** номли иккинчи бобнинг “Бошланғич таълимда интеграциялашган технологиялардан фойдаланиш” фаслида интеграциялашган таълим технологиясидан фойдаланишнинг методик талаблари ёритилган. Зеро, интеграциялашган дарснинг асосий мақсадини аниқлаб олиш ўта муҳим, чунки турли фанлардаги билимлар блоки бирлаштирилади; режалаштирилаётган дарснинг турини, тузилишини, услуби ҳамда ўқув воситаларини аниқ танлаб олиш зарур (3-расмга қаранг).

Мазмун ва мақсадга йўналтирилган интеграциялашган дарслар мактаб таълим тизимига янгилик ва ўзига ҳосликни олиб киради ҳамда маълум устуворликка эга бўлади:

1. Дунёни бир бутунликда гавдалантиради;
2. Турли фанлардаги мавжуд мавзулар ўзаро боғланиб, янги алоқадорлик ва боғлиқлик йўллари топилади;
3. Ўқитувчига ўз билимларини, фикрларини ва ижодини намоён қилишига имкон беради;
4. Алоқадорлик сабабларини англашга ва қидириб топишга ундайди;
5. Борлиқни фаол тарзда англашга йўналтиради;
6. Таълим-тарбиявий жараённи интенсификациялашда кўмак беради;
7. Ўқувчини ҳар томонлама ақл-заковатли қилиб тарбиялаш имконини беради;
8. Ўқувчининг образли фикрлаш қобилияти ва потенциалини ўстиради;
9. Турли хил фаолиятларга жалб қилинаётган ўқувчидаги толиқиш ва зўриқишини бартараф этади;
10. Ўқувчиларда тушуниш, англашга бўлган қизиқишини шакллантиради;
11. Ўқувчиларда солиштириш, умумлаштириш, хулоса қилиш қобилиятларини шакллантиради;
12. Турли предметлардан вазифаларни айтиб бир пайтда бажариш ўқувчиларнинг диққат-эътиборини юқори нуктада ушлаб туришга ёрдам беради.

Интеграцион машғулотларни ташкил қилишнинг методик талаблари

Хар бир дарс муайян мақсадга йўналтирилиши ва пухта режалаштирилиши зарур.	Предметларро алоқага оид танланган кўшимча материал янги мавзу билан мантикий боғланиши шарт.	Ўтиладиган мавзу бўйича танланган ўқув материаллари характериға кўра дарс тури, ўқитиш усулларига мувофиқ келиши зарур.	Синф ўқувчилари фаоллигини ошириш мақсадида улар билан ишлаш йўллари аниқлаш муҳим.	Дарсда таълим ва тарбиянинг узвийлигига эришиш зарур	Мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, табиат, жамият ва инсон тафаккури, тараққиёти ҳақидаги илмий билимлар ўқувчида республикаимиз келажагига ишонч ва эътиқодни шакллантиришга қаратилган бўлиши даркор.	Дарсинг мазмуни ўқувчиларда эстетик ва илмий дунёқарашни шакллантиришга ва умуминсоний ахлоқни тарбиялашга қаратилган бўлиши муҳимдир.
--	---	---	---	--	---	--

Дарс жараёнида ишлатиш учун кўргазмалли курулларни, ўқув материалларини тўғри танлаш ва ундан самарали фойдалана олиш керак.	Синф жамоаси ва хар бир ўқувчиға унинг ўзига хос характер хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш даркор.	Синф ўқувчиларининг фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни тўғри белгилаш, айниқса, уларнинг мустақил фикр юритишлари учун шароит яратиш лозим.
--	---	---

3-расм. Интеграцион машғулотларни ташкил этишга қўйиладиган методик талаблар

Мазкур талаблар асосида муаммоли, модулли, ҳамкорликда ишлаш ва рефлексив таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича дарс ишланмалари лойиҳалари ушбу фаслда ҳамда иловаларда берилди.


Бобнинг иккинчи фаслида эса **“Синфдан ташқари ўқиш дарсларини интеграциялаш воситасида таълим самарадорлигини ошириш”** масаласи тадқиқ қилинган. Синфдан ташқари ўқиш дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларда мустақил ўқиш малакасини таркиб топтириш ҳисобланади. Зеро, ўқилган асарлар ҳақидаги ўқувчи мулоҳазасини эътиборсиз қолдириш ёки тасаввур ва таассуротларини ўрганиб бормаслик оқибатида синфдан ташқари ўқишдан кўзланган мақсад амалга ошмай қолиши мумкин. “Ифодали ўқиш”, “Эртак тўқиш”, “Эртаклар оламиға саёҳат”, “Менинг севимли қаҳрамоним” каби мавзуларда савол-жавоблар ўтказиб туриш; ўйин тарзидаги иш турларидан фойдаланиш; ўқилган асарлар юзасидан мунозарали суҳбатлар ташкил қилиш синфдан ташқари ўқиш дарслари самарали ва мазмунли ўтишини таъминлайди.

Болалар адабиёти намуналарини ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, эҳтиёжларига мослаб танлаш ва таҳлил қилиш мазмуни ҳам ушбу фаслда ёритилди.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларида маърифий-дидактик аҳамиятга эга бўлган болалар адабиёти намуналарини ўқиб ўрганиш воситасида ўқувчилар нутқини такомиллаштириш, эстетик диди ва китобхонлик даражасини ўстиришга эришиши мумкин. Болалар адабиёти намуналари марказидаги образлар ўқувчи-китобхон маънавиятини юксалтиришга, одоб-ахлоқ тушунчаларини кенгайтиришга, иллатларға қарши салбий муносабатларини пайдо қилишға таъсир кўрсатади. Ранг-баранг образлар, мавзулар, маънавий-

ахлоқий муаммолар бадий талқин қилинган асарларни ўқиб ўрганиш воситасида ўқув фанлариаро интеграцияни таъминлашга эришиш мумкинлиги асосланди.

Учинчи боб фаслларида “Тадқиқот юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларининг дастурий мазмуни” ва “Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили” ёритилди. Диссертация мақсад ва вазифалари асосида илгари сурилган илмий фаразга таяниб тажриба-синов ишлари олиб борилди. Педагогик-методик тажрибани ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур асосида диссертация бобларидаги илмий ғоялар синов майдонларида амалиётга жорий этилди. Тажриба ишлари бошланғич синфлардаги “Она тили”, “Ўқиш”, “Математика”, “Атрофимиздаги олам” (“Табиатшунослик”), “Одобнома”, “Тасвирий санъат”, “Технология” дарслари самарадорлигини таъминлаш омилларига, хусусан, синфдан ташқари ўқиш дарсларини таълим интеграцияси асосида ташкил қилиш усулларига қаратилди (4-расмга қаранг).



4-расм. Интеграциялашган дарснинг ташкилий тузилмаси

Бу каби интеграциялашган дарслар самарадорлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди:

фан бўйича билимлар даражасининг ошиши, ўзлаштирилаётган тушунчаларни чуқурлашувида, интеграциялашаётган предметлардаги маълумотларни қайта-қайта интеграциялаштириш натижасида намоён бўлишида;

ўрганилаётган материални бош ғоя нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таъминлаш, ўрганилаётган муаммоларнинг табиий ўзаро алоқадорлигини ўрнатиш билан, интеллектуал фаолият даражасини ўзгаришида;

муסיқа, расм, ганчкорлик, адабиёт, география ва бошқа фанларни жалб қилиш орқали ўқувчиларнинг эмоционал-ҳиссий ривожланишида ўқувчиларни дарсда ва дарсдан ташқари бўш пайтларида мустақил ишлашга кизиқиш ва билиш қобилиятларининг ўсишида;

у ёки бу жараён ва ходисаларга ўқувчиларнинг шахсий муносабатларини юзага чиқарадиган ижодий ишларга жалб этиш натижаси ўлароқ, уларнинг

яратган шеърлари, расмлари, кўл меҳнати орқали ясалган буюмларда кўринади.

Синфдан ташқари ўқиш дарсларини “Ўқиш”, “Она тили”, “Одобнома”, “Табиатшунослик” (“Атрофимиздаги олам”), “Тасвирий санъат”, “Математика” каби ўқув предметлариаро интеграцияга асосланиб ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган технологик ўқув харитаси асосида ташкил қилинган тажриба дарслари самарадорлиги назорат синфларидаги натижалар билан қиёслаб ўрганилди ва таҳлил қилинди. Кўп босқичли тажриба ишлари давомида биз бошланғич синф ўқув предметлари ва синфдан ташқари ўқиш дарслари мазмунини такомиллаштириш, таълим ва тарбия самарадорлигини таъминлашда ўқувчиларни фаоллаштирувчи “модулли дарс”, интерфаол усуллар, педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс соатлари ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларимиз асосидаги машғулотлар натижаларини ўргандик, таҳлил қилдик.

Бошланғич синф ўқув предметлари ва синфдан ташқари ўқиш дарслари жараёнида ўқувчилар маънавиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун қулай педагогик-дидактик шарт-шароит яратиш; ўзбек болалар адабиёти намуналаридан фойдаланиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини оғзаки ва ёзма нутқини, тафаккурини, китобхонлик даражасини ўстириш, одоб-ахлоқини тарбиялаш; ўзига ва ўзгаларга танқидий муносабатда бўлиш; бадиий асарларга хос образли тасвир моҳиятини англаш ва таҳлил қилиш кўникма ҳамда малакаларини таркиб топтириш бўйича диссертация ишида илгари сурилган қарашлар, тавсияларга таяниб олиб борилган таълим-тарбия жараёни ўрганилди, натижалар қиёслаб таҳлил қилинди.

Учинчи бобнинг “Тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили” номли иккинчи фаслида тажриба-синов ишларида қатнашиш учун тажриба-синов худудлари белгиланган бўлиб, булар Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 24-,32-,36-; Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 17-, 23- 30-; Андижон вилоятидаги 1-,8, 16- умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари танлаб олинди, улар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Бунда тажриба гуруҳида 174 нафар, назорат гуруҳида 165 нафар, жами ўқувчилар сони 339 нафарни ташкил қилди.

(3-жадвал).

3-жадвал

Тажриба-синов ишлари ўтказилган таълим муассасалари ва ўқувчилар сони.

Таълим муассасалари	Тажриба гуруҳлари	Нazorat гуруҳлари
	Таълим олувчилар сони	Таълим олувчилар сони
Наманган вил. Учқўрғон туманидаги 36, 24, 32- мактаб	120	120
Андижон вилоятидаги 1,8,16-мактаб	114	114
Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 17, 23, 30-мактаб	105	105
Жами:	339	339

Тадқиқот асосида ўтказилган синов ишлари натижаси шуни кўрсатдики, интеграцион таълим технологиялари талаблари ва тамойилларига таяниб ташкил қилинганда ўқувчиларнинг ўқув дастури ва ДТСнинг минимал талабларига жавоб берувчи қисмида сезиларли ўсиш бўлганлиги; бошланғич таълимда ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва интеграциялашган таълим технологияларига таянилган дарсларнинг самарадорлиги ошганлиги маълум бўлди.

Тадқиқот ишимиз давомида ўқувчиларда масъулият ҳисси, қатор инсоний фазилатлар, маънавий-ахлоқий сифатлар интеграциялашган дарсларни ўтиш жараёнида ёрқин намоён бўлганлигини кузатилди. Улар жамоада ҳамкорликда ишлаш ва қатор ўқув муаммоларини ҳал қилишда ўзаро ҳамжиҳатлик, олдига қўйилган вазифани масъулият билан ҳал қилиш, ўртоқларининг фикрларини тинглаш, муҳокама қилиш, фикр билдириш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш каби хусусиятларни намоён қилдилар. Айни хусусиятларнинг намоён бўлиш даражаси интеграциялашган дарслар орқали ўқувчилар маънавиятининг юксалганлик мезонлари қилиб белгиланди.

Ўқувчиларнинг маънавий-руҳий ҳамда интеллектуал тараққиётини таъминлайдиган таъсирчан, самарали дарслар ташкил қилишда касбий маҳорат, замонавий билимлар, педагогик технологияларни қўллаш олиши каби муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ўқитувчиларнинг креатив фикрлаш қобилияти, интеллектуал салоҳияти ҳам ўрганилди.

Шу маънода, республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туман мактаблари, ўқитувчиларининг ташкилотчилик, тадқиқотчилик, педагогик амалиётчилик фаолиятлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Интеграциялашган ўқитиш орқали бошланғич таълим самарадорлигини баҳолаш қандай мезонлар, тамойиллар асосида ташкил этилмоқда? Интеграциялашган дарслар орқали билимларни ўргатиш самарадорлиги таъминланишига эришилаётими? каби саволларга жавоб топиш мақсадида Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 24-,32-,36-; Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 17-, 23- 30-; Андижон вилоятидаги 1-,8, 16- умумий ўрта таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Таянч тушунчаларни оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб бориш, муаммоли вазиятлар ва уйғунлашган усулларни қўллаш, манба бўйича ихчам, мукамал маълумотлар мажмуасининг ифодаланишига қараб билимни ўзлаштириш бўйича ўқувчилар 3 та гуруҳга бўлинди. ДТС ва ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ эгаллаган ўқувчиларни “Юқори” гуруҳ; нисбатан тўлиқ эгаллаган ўқувчиларни “Ўрта” гуруҳ; бундай билим, кўникма ва малакалар ДТС минимал талабларига тўлиқ жавоб бермаган ўқувчиларни эса “Паст” гуруҳ деб белгиланди.

“Юқори” гуруҳдаги ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, мустақил фикрлаш салоҳиятларини ўстириш мақсадида интеграциялашган дарсларни предметлараро ва мавзулараро интеграция усулларида фойдаланиб ташкил этишга ҳаракат қилдик.

“Ўрта” гуруҳдаги ўқувчиларнинг манба бўйича ихчам, мукамал маълумотлар мажмуасининг ифодаланишига қараб билимни ўзлаштириш ва

Ўстириш учун ДТС ва ўқув дастури талаблари асосида намунавий таҳлил дарсларини кўпроқ ташкил қилиш ҳамда бу дарсларда ўқувчиларни интерфаол усулларга таяниб фаоллаштиришга ҳаракат қилдик. Уларда адабий асарларни мустақил ўқиш ва таҳлил қилиш малакаларини такомиллаштиришга эришдик. “Юқори” ва “Ўрта” гуруҳдаги ўқувчиларга шоир асарларини мустақил ўқиб ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

“Паст” гуруҳдаги ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишга синфдан ташқари ўқиш дарсларида маърифий-дидактик аҳамиятга эга бўлган болалар адабиёти намуналарини ўқиб ўрганиш воситасида ўқувчилар нутқини такомиллаштириш, тавсия қилинган асарларни ўқиш ва таҳлил қилишда соддароқ топшириқлар устида ишлаш орқали эришиб борилди. Илғор ва самарали таълим усуллари таяниб уларнинг таҳлил малакасини шакллантиришга, фаоллаштиришга ҳаракат қилдик.

Интеграциялашган таълим технологияси асосида бошланғич таълимни ташкил этишнинг самарадорлик даражаси умумлашган тарзда 4-жадвалда келтириб ўтилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Интеграциялашган таълим технологияси асосида бошланғич таълимни ташкил этишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари

т/ р	Мезонлар	Тажриба гуруҳи						Назорат гуруҳи					
		Тажрибадан олдин			Тажрибадан кейин			Тажрибадан олдин			Тажрибадан кейин		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
